O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 8 февраль, № 28 (4181) Пайшанба

*Учқўрғон туманида барча техника воситалари баҳорги мавсумга тахт қилиб қўйилган. Гап шундаки, туман деҳқонлари жорий йилда ғалладан 66, пахтадан 40 центнердан ҳосил олишни режалаштирганлар. Яхши ният эзгу ишларга доя бўлади, дейишади. Чигит экиладиган майдонлар кузданёқ мавсумга тайёрлаб қўйилган бўлса, ғалла экилган майдонлар бир неча бор озиқлантирилди.*

## Техникаларга сифат сертификати

Қишлоқ хўжалик техникалари эса жорий ва капитал таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда туманда ташкил этилган назорат комиссияси муқобил МТП ва фермерларга тегишли бўлган барча техника воситаларини назоратдан ўтказиб, уларга "Сифат сертификати" берди.

— Ўзи учун ишлаган инсон чарчамайди, — дейди тумандаги "Ўзбекистон" ММТП механизатори Сирожиддин Насриддинов. — Бугун бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз ўзимиз, оиламиз, маҳалламиз, умуман айтганда юртимизнинг тараққиётига хизмат қилади. Фермерлар ҳаракатини ривожлантириш учун кўрсатилаётган эътибор эса мулкдорларнинг изланувчанлиги, ташаббускорлигини оширишга, элюрт фаровонлигига хизмат қилишга илҳомлантиради.

**СУРАТЛАРДА: механизатор Сирожиддин Насриддинов; "Сифат сертификати" олган техникалар мавсумга шай.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**



*Мамлакатимизда баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик ишлари изчил давом этмоқда. Буни "Ўзагромашсервис" уюшмасига қарашли корхона ва ташкилотлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин.*

## БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

Уюшманинг таъмирлаш, сервис хизматининг замонавий усуллари ва турларини жорий этиш бўлими бошлиғи Мирза Ғозибоевнинг айтишича, тизимдаги барча хўжалик техника воситалари тўлиқ таъмирланган. Буюртмачилар таъмир сифатидан мамнун.

Мавсумга шайланган ҳар бир техника махсус комиссиялар томонидан қабул қилиб олинди. Ҳар бир турдаги соз техника учун кафолат муддати кўрсатилган сертификатлар берилди.

Тизимда зарур эҳтиёт қисмлар захираси, малакали таъмирчилар бригадаси ташкил этилгани ишнинг тез ва сифатли бажарилишига хизмат қилмоқда. Мавсум олдидан жойларга салкам 9 миллиард сўмлик эҳтиёт қисм ва бошқа турдаги моддий-техника ресурслари етказиб берилди.

Айни пайтда ғалла ўримига техникани тайёрлаш ишлари бошланди. Шу кунга қадар мавсумда қатнашадиган ўрим комбайнларининг 65 фоизи таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда техникани тўлиқ тайёрлаш мақсадида жойларда ишлар икки сменада олиб борилмоқда. Ҳозиргача ғалла ўриш комбайнларини таъмирлаш учун 834 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва шиналар етказиб берилди.

Тизимда янги техника харид қилиш ҳам эътиборда. 2007 йилда ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан қисқа фурсатда ўриб олишни ташкил қилиш мақсадида Германиянинг "Клаас" фирмаси билан тузилган шартномага биноан жорий йилда мамлакатимизга қарийб икки юзта янги "Доминатор-130" русумли ғалла ўриш комбайни келтирилади.

Техника деҳқон қаноти, дейдилар. Мавсумнинг кўнгилдагидек ўтиши эса, ана шу техникани ўз вақтида шай ҳолатга келтиришга боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу йил мамлакатимизда қишлоқ хўжалик техникасини мавсумга ҳозирлаш ўтган йилгидан анча барвақт якунланмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# Янги қонун – Ўзбекистон демократик тараққиётининг ёрқин мисолидир

Хорижий мутахассислар мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, 2007 йил 4 январда кучга кирган «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини шарҳлашда давом этмоқда. Ушбу муҳим ҳужжат юзасидан фикр билдириб, **«Фридрих Шпее Академияси» жамоат ташкилоти директори ўринбосари доктор Й. Люк (ГФР)** жумладан бундай деди: «Янги қонуннинг асосий устунликларига унинг саккизинчи моддасида акс эттирилган қоидаларни киритиш мумкин. Уларда, хусусан давлат томонидан нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг (ННТ) ахборот излаш, олиш, тадқиқ этиш, ундан фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқининг таъминланиши кўзда тутилган. Қонун давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат ташкилотлари (НДТ) ва уларнинг ходимларига фаолият юритишга кўмаклашиш борасидаги мажбуриятларини аниқ белгилаб берган. Ушбу ҳужжат давлат ва нодавлат сектори ўртасидаги алоқаларни янада яхшилашга қаратилган. Субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар бериш каби механизмлар давлат муассасалари билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик самарасини оширишга хизмат қилади».

**Франциядаги энг нуфузли адвокатлик компанияларидан бирининг ҳуқуқни амалиётга татбиқ этиш бўйича юридик бошқармаси директори А. Буана** қуйидагиларга эътибор қаратди:

«Ҳар қандай давлатда демократик институтларни ривожлантириш жараёни нодавлат ташкилотларининг мамлакат ижтимоий институтлари тизимидаги ўрни ва аҳамиятини қайта идрок этишга хизмат қилиши керак. Шу боис қабул қилинган мазкур қонун ҳуқуқий давлатнинг муҳим институтлари бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ишончли воситасида айланади. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши, шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ислоҳотларни амалга ошириш ва умуман жамиятни модернизациялашдаги босқичма-босқич ва оқилона ёндашув натижасидир. Давлат томонидан НДТ ҳуқуқларини ижроия ҳокимияти органларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан ҳимоялашнинг барча кафолатлари яратилган. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳисса қўшади».

**Испания қироллигининг Франциядаги элчихонаси сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси К. Руиз де Веласконинг** таъкидлашича, Ўзбекистонда қабул қилинган «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонун давлат томонидан ННТга кўрсатилаётган кўмакнинг ажралмас қисми ва мамлакат демократик тараққиётининг муҳим омилидир. У ННТлар фаолиятининг ижтимоий йўналтирилганлигини рағбатлантиради ва мувофиқлаштиради. Айтиш жоизки, мазкур қонун моддаларига етарли даражада амал қилиниши ушбу ташкилотларнинг ижтимоий фаолиятини эркинлаштириб, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялашнинг қонуний кафолатларини яратади. Мамлакат ҳукумати томонидан кўрсатиладиган бундай ёрдам ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади».

Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академиясининг Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институти Марказий Осиё сектори мудири Сунь Чжуанчжи:

«Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва ижтимоий тараққиётидаги муҳим ҳужжатдир. Мамлакат миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашга хизмат қилувчи ислоҳотларни амалга оширишнинг ўз йўлини танлади. Янги қонун бунинг ёрқин тасдиғи бўлиб, мен унинг қуйидаги жиҳатларини алоҳида қайд этишни истардим.

**Биринчидан:** давлат қонунчиликка мувофиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ахборот излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқини таъминлайди. Бундан ташқари, интеллектуал фаолиятнинг объектив акс этган натижалари ва уни индивидуаллаштириш воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам кафолатлайдики, бу юқорида айтиб ўтилган ташкилотлар эркин ва мустақил равишда ишлаши учун имконият яратади.

**Иккинчидан:** давлат субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар шаклида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятига кўмаклашиши мумкин. Қатор мамлакатларда фаолият юритаётган кўплаб бундай тузилмалар хорижий ташкилотлардан молиявий ёрдам олиб, асосан ҳукуматга қарши қаратилган фаолият билан машғул бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ННТларнинг ривожланиши учун асос ва имкон яратиб, улар билан ҳукумат ўртасида яқин алоқалар ўрнатилишига хизмат қилади».

**Германиялик сиёсатшунос-журналист Ф. Хаанинг** таъкидлашича, айни пайтда қатор давлатларда трансмиллий НДТ ва улар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган маҳаллий ташкилотлар фаолиятининг очиқ-ойдинлигини таъминлашга қаратилган интилишлар кузатилмоқда. «Бу эса глобаллашувнинг зиддиятли жараёнлари шароитида давлатларнинг ўз мустақиллигини ташқи ва ички тажовузлардан ҳимоялашга қаратилган қадамидир», — деди у.

«Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши демократик жамиятни барпо этишда катта аҳамиятга эга бўлган нодавлат ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда жуда муҳимдир. Демократик давлатчилик тарфдорларига айланган дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳозирга қадар НДТ фаолиятини кафолатловчи бундай қонун ҳужжатлари мавжуд эмас, — дейди **Кенгидо провинциясида (Корея Республикаси) янги «Сэмаил» қишлоғини куриш бўйича Ҳаракат бош бошқарувчиси Ким Чжонг Су.**

**«Оннури» ноҳукумат жамғармаси (Корея Республикаси) раиси Пак Ёнг Суннинг** фикрича, янги қонун Ўзбекистон раҳбариятининг демократик қадриятларга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди: «Ноҳукумат ташкилотлари фаолиятининг субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар воситасида ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши давлат томонидан бу тузилмаларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлашдаги жуда муҳим омилдир. Бу эса уларга ўзлари белгилаган мақсадларга бевосита эътибор қаратиш ва ёрдамга муҳтож бўлганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Ўзбекистонда «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилинган 2007 йилда эса бу айниқса долзарб аҳамиятга эга».

**Жаҳон» АА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

*Кичик ва хусусий бизнес маҳсулотлари экспорти, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот жаҳон бозорига чиқиши учун ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қулай шароитлар яратиш давлат ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.*

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси билан биргаликда ташкил этган давра суҳбати "Кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш ҳамда валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари" мавзусига бағишланди.

Анжуманда шу нарса таъкидландики, кичик ва ўрта бизнес мамлакат иқтисодиётида ўз маррасини мустаҳкамлаб бормоқда, ҳозирги вақтда мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 40 фоиздан ошди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган, 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида таъкидланганидек, "кичик корхоналар ёки хусусий тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам ўз маҳсулотини мустақил равишда самарали экспорт қила олмайди, албатта".

Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес корхоналарини янада ривожлантириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан салмоқли ишлар қилинмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари кичик ва хусусий бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда рўёбга чиқариш билан боғлиқ бир қатор долзарб масалаларни муҳокама этдилар. Хусусан божхона ва солиқ тўғрисидаги, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг маҳсулоти экспортини рағбатлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Товарлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркорларга шериклар излашда ахборот базасидан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш, ташқи бозордаги вазият тўғрисида мукаммал ахборотга эга бўлишларига эришиш улар учун ўз маҳсулотини экспортга етказиб беришда жуда муҳим, баъзан эса ҳал этувчи аҳамиятга молик эканлиги айтиб ўтилди. Давлатимизнинг экспорт-импортда ижобий қолдиққа эришиш, мамлакатимизнинг олтин-валюта захирасини кўпайтириш имконини берган валюта сиёсатини янада изчиллик билан амалга ошириш йўллари ҳам муҳокама этилди.

Сенаторлар тадбиркорлик субъектларига мавжуд экспорт салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришда тегишли давлат тузилмаларининг амалий ёрдами самарадорлигини ошириш ва таъсирчанлигини кучайтириш зарурлигига ҳам эътиборни қаратдилар.

Муҳокамалар асосида мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва рўёбга чиқаришга доир ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ҳам билдирилди.

Тадбирда сенаторлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси намояндалари, тадбиркорлар, фермерлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

### Сўнгги соатда

*Кеча Тошкентда футболчиларимиз 2008 йил Хитой пойтахти Пекинда ўтадиган Олимпиада ўйинларининг финал йўлланмаси учун илк саралаш баҳсида тожикистонлик рақибларига қарши майдонга тушдилар.*

## Олимпиада сари илк қадам

Йигитларимиз бугунгача Олимпиада саралаш учрашувларида уч бор («Атланта — 1996», «Сидней — 2000», «Афина — 2004»)иштирок этишган. Бу сафар улар олдига катта вазифалар қўйилган. Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоамиз аъзоларига барча шароитларни яратиб беришди. Хорижий давлатларда қатор ўқув машғулотлари уюштирилди.

Албатта, бу ўз самарасини берди. Бутун учрашув давомида рақибларидан катта устунлик билан ҳаракат қилган ҳамюртларимиз 4:1 ҳисобида зафар қучишди. Айниқса, Садриддин Абдуллаев, Виталий Денисов ва Анзур Исмоиловлар ўзининг ажойиб ўйинлари билан мухлислар эътирофига сазовор бўлишди.

Жавоб учрашуви 14 февраль куни Душанбеда бўлиб ўтади. Икки ўйин натижасига кўра, кейинги босқичга йўл оладиган жамоа номи маълум бўлади.

* * *

Кеча Қаршида миллий терма жамоамиз Озарбойжон термасига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказиб дуранг (0:0) натижага эришди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

### 9 февраль — Алишер Навоий туғилган кун

## БУЮК МУТАФАККИРНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

*Ўзбекистон тарихи давлат музейида Алишер Навоийнинг маънавий меросига бағишланган кеча бўлиб ўтди. У Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ҳамкорлигида ташкил этилди.*

Анжуманда сўзга чиққан Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, навоийшунос олим А.Қаюмов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий-маънавий меросимизни чуқур ва мукаммал ўрганиш, асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига етказишга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ижодини пухта ўрганиш, шоир асарларининг тўлиқ ва мукаммал тарзда нашр этилиши, таълим дастурларида ҳаёти ва маънавий меросини ёшлар онгига чуқур сингдиришга қаратилаётган эътибор бунинг ёрқин далилидир.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда мустақил она-Ватанимизда амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишларда Алишер Навоийнинг ўлмас сатрлари, умрбоқий ўгитлари мужассамдир. Ҳозир нафақат мамлакатимиз, балки бир қатор хорижий давлатларда буюк бобомизга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида маҳобатли ёдгорликларнинг қад ростлаши, асарларининг жаҳоннинг кўплаб халқлари тилида чоп этилиши шонли тарихимиз, қадимий маданиятимизга дунё миқёсидаги қизиқишнинг тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Анжуманда Алишер Навоий асарларининг инсониятни эзгуликка чорлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти хусусидаги маърузалар тингланди. Шоир ғазалларидан намуналар ўқилди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаларининг мусиқий дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### ЭШИТДИНГИЗМИ?

**"Western Union" халқаро компанияси "Мамлакатнинг энг яхши жамоаси — Top Country Teams-2006" дастури доирасида юртимизда фаолият юритаётган банкларни мукофотлади. Унга кўра, "Барча мезонлар бўйича энг яхши шохобча" номинацияси "Капиталбанк"нинг Фарғона бўлимига, "Сифатли хизмат кўрсатувчи энг яхши жамоа" номинацияси "Капиталбанк"нинг Тошкент шаҳридаги шохобчасига, "Пул ўтказиш ҳажми бўйича энг яхши жамоа" номинацияси Халқ банкининг Самарқанд бўлимига насиб этди.**

ЯКУН:

# Тажриба, таҳлил, таққос



## Қашқадарё саноати:

# ТУБ ЎЗГАРИШЛАР СИЛСИЛАСИ

**МАЪЛУМОТНОМА.** Бугунги кунда ушбу вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ) ҳажмида қишлоқ хўжалиги соҳасининг улуши ўртача 13,8 фоизни ташкил этмоқда.

Бу нимани англатади?

Агар ана шу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида 36,1 фоизга, Самарқандда — 31,6, Сирдарёда — 28,1, Жиззахда — 26,2 ва Хоразм воҳасида 25,4 фоизга тўғри келаётгани назарда тутилса, Қашқадарёда аграр секторнинг ЯҲМдаги ҳиссаси шу даражага пасайиши асосан бу ерда кейинги йилларда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари, хусусан, саноат ишлаб чиқариши жадал ривожланаётгани билан боғлиқ эканлиги аён бўлади. Аслида ҳам шундай. Шунинг ўзиёқ бутун ҳудудда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганининг ифодасидир.

**БИРИНЧИ ДАЛИЛ.** 1997 йилда Қарши шаҳрида «Каштекс» ҳиссадорлик жамияти, Шаҳрисабз туманида «Мевалар камалаги» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хорижий инвесторлар сармояси иштирокида барпо этилган ҳар иккала корхона ҳозирда иқтисодиётнинг таянчи ва суянчи ҳисобланади. Мисол учун, биринчиси — йилига 800 тонна ип калаваси ва 5 миллион дона трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлса, иккинчиси — 30 миллион декалитр мева шарбати тайёрлашга қодир.

**ИККИНЧИ ДАЛИЛ.** 2001-2006 йилларда эса вилоятда яна 4 та йирик саноат корхонаси ишга туширилди. «Шўртан» газ-кимё мажмуаси, Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Япония-Туркия қўшма корхонаси, «Яккабоғ текс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ва «Толлимаржон» ГРЭСининг биринчи блоки шулар сирасига киради.

Хўш, улар иқтисодиётга нима бермоқда?

***ИЗОҲ.*** *— Аввало, «Шўртан» газ-кимё мажмуасига тўхталсак, у Марказий Осиёда ягона йирик саноат комплексидир, — дейди вилоят ҳокимлиги саноат бўлимининг бошлиғи Нурмамат Қурбонов. — Бу ерда ҳар йили 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суюлтирилган газ, 130 минг тонна енгил конденсат, 4,2 миллиард куб метр газ маҳсулоти ва 4 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилаётгани шундан далолат беради. «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Япония-Туркия қўшма корхонаси эса, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 9 августдаги 381-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган. Унинг умумий молиявий қиймати 66 миллион 766 минг АҚШ долларига тенг. Бу маблағнинг 47 миллион 479 АҚШ доллари Японияннинг Халқаро ҳамкорлик банки кредити, 19 миллион 287 минг АҚШ доллари эса таъсисчиларнинг улуши ҳисобидан таркиб топган.*

*Мазкур корхонада 671 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. 2006 йили улар 5010,6 тонна ип калаваси ва 828,3 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариб, бу борада аввалги йилдагига нисбатан мутаносиб равишда 173,7 ва 121,2 фоиз ўсишга эришдилар. Яъни, жами 11990457 минг сўмлик маҳсулот экспортга ва ички бозорга сотилди. Ишлаб чиқарувчиларнинг ўртача иш ҳақи эса 87 минг 550 сўмданга тўғри келди.*

*Қолган корхоналар, яъни «Яккабоғ текс» қўшма корхонаси ва «Толлимаржон» ГРЭСида ҳам белгиланган ҳажмда ип калаваси ва электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.*

**УЧИНЧИ ДАЛИЛ.** Булардан ташқари, бир неча йилдирки, воҳада республикамиз саноатининг гигантлари — бир йилда 30700 миллион куб метр табиий газ, 531 минг тонна олтингугурт, 741,6 минг тонна газ конденсати, 17,6 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган Муборак газни қайта ишлаш заводи, 30 миллиард куб метр табиий газ, 4141 минг тонна нефть, 2495 минг тонна конденсат ишлаб чиқарадиган Муборак газ конлари бошқармаси, 16 миллиард куб метр табиий газ, 608 минг тонна конденсат, 14 минг тонна олтингугурт тайёрлайдиган «Шўртангаз» нефть-газ конлари бошқармаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

**ТЎРТИНЧИ ДАЛИЛ.** Фақат ўтган йилнинг ўзида Қашқадарёнинг шаҳар ва туманларида 206 тадан ортиқ янги саноат корхонаси ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 1972 тага етди. Жумладан, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, Қарши шаҳрида 698 та, Китоб туманида 203 та, Қарши туманида 131 та, Шаҳрисабз туманида 363 та, Яккабоғ туманида 182 та, Ғузор туманида 82 та саноат корхонаси ишлаб турибди. Янги корхоналарда эса 9 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бўз, радиаторлар учун совутиш трубкалари, флейка (тухум учун қоғоз идиш), черепица, печенье, қадоқланган ош тузи, гипс, алюминий эшик ва ром, алюкабонд панеллари ҳамда қандолат маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Айни чоғда 29 та корхона ўз маблағи ва хориж сармояси ҳисобидан 6374,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Натижада уларда 205,6 млрд. сўм фойда олинди. Бу кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан 62 фоиз кўпдир.

**ХУЛОСА ШУКИ,** умуман, амалга оширилган тадбирлар туфайли 2006 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятдаги мавжуд корхоналарда 1896,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 7,9 фоизни ташкил қилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 16,7 фоиз кўпайди. Шу ўринда, айниқса, бултур ип калаваси ҳажми 44,5 фоизга, полиэтилен трубалар — 25,4, олтингугурт — 5,7, табиий газ — 3,4, йиғма темир-бетон маҳсулоти ишлаб чиқариш 2,3 фоизга ошганини таъкидламоқ керак.

Жорий йилда ҳам янги корхоналарни барпо этиш, мавжуд корхоналарни замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлаш, уларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Буларнинг ҳаммаси пировардида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, янги иш ўринларини очиш, муҳими, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш ва халқимизнинг фаровонлик даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Эзгу фикр» телефони эшитади*

# Марказлар мувофиқлаштирилса...

**М.АРЗИБОЕВ,**
**Андижон вилояти ҳокимлиги ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари ўринбосари:**

— Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли тизим барпо этилган. Президентимиз Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш масаласига яна бир бор эътибор қаратдилар.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 сентябрдаги ва 1996 йилдаги Фармойишларига асосан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий-маиший жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ишга жойлашишида ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссиялар ташкил этилган эди.

Бироқ ҳозирги кунда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги кузатув комиссиялари мавжуд эмас, бундан ташқари, махсус комендатуралар ҳам фаолият кўрсатмай қўйган. Уларнинг номланиши ҳам ҳар хил: баъзи шаҳар-туманларда «кўникма маркази» дейилса, бошқаларида «ижтимоий муҳофаза қилиш маркази» деб юритиляпти.

Юқоридагиларга кўра, жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб қайтган шахсларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, республика миқёсида жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб қайтган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси тузилса ёки бирон вазирликка қўшиб юборилса, деган мулоҳазамиз бор. Шунда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари камситилишига йўл қўймаслик, уларнинг тўлиқ ишга жойлашишларини таъминлаш, оилавий ва моддий шароитларини ўрганиш, пировардида бу тоифадаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатиши ҳамда улар томонидан қайта жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тизими самарадорлиги янада ошар эди, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги қатор кўрсаткичлар ёки масалалар бўйича мамлакатимизда тадбирлар ўтказилиб турилса, айни муддао бўларди.

***Ўтган йили «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмасига қарашли корхоналарда ўсиш суръатлари 158,3 фоизни ташкил этди. Тармоқда 366,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 485,8 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.***

# Ютуқлар омили — янги технологияда

Шунингдек, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 116,2 фоизга, хўжалик совуни ишлаб чиқариш 104,2 фоизга ва маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш 103,2 фоизга етказилди.

Ҳозирда уюшма қошида фермерларга кунжара етказиб берадиган 428 дан зиёд махсус шохобчалар фаолият кўрсатиб келаяпти. 2006 йилда аҳолига 2750 тонна қандолат маҳсулотлари, 170,9 тонна шакар етказиб берилди.

«Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси кенгашининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишида ушбу ютуқларга соҳада янги технологиялар жорий этилгани, ишчиларнинг меҳнатга муносабати ўзгаргани туфайли эришилгани таъкидланди. Йиғилишда, шунингдек, тармоқнинг жорий йил иш дастурлари ҳам белгилаб олинди.

**Уюшма ахборот хизмати.**

Ўқув-семинар

*Жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ўзига хос. Журналист томонидан айтилаётган ҳар бир жумланинг қудрати ҳам шунга яраша юқори. Тезкор замонамизда бу касб эгалари зиммасига юкланаётган масъулият юки ортиб бораётгани шундан.*

# Журналистнинг ҳаётдаги ўрни

Хўш, кундан-кун юксалиб бораётган талабларга тўла жавоб бериш, таъсирчанлик борасида етакчи ўринда юриш учун яна нималар қилиш керак?

Бунинг учун журналист билими, касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориши зарур, дейишди Наманганда ўтказилган ўқув-семинар қатнашчилари. Вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси, республика Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган бу анжуманда газеталар муҳаррирлари ва масъул котиблари, мухбирлар иштирок этдилар. Икки кун давом этган ўқув-семинарда журналистнинг ихтисослашуви, унинг ислоҳотлар ижросидаги ўрни, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Ижодкорлар, шунингдек, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ОАВни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган маърузаларни ҳам тингладилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

# Маҳалла ва коллеж ҳамкорлиги

Каттақўрғон иқтисодиёт коллежида илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш яхши самара бераяпти. Буни талабалар таҳсил олаётган олти йўналиш — банк иши, бухгалтерия ҳисоби, молия, менежмент, ҳуқуқшунослик, информатика ва коммуникацион технологиялар соҳаларининг барчасида яққол сезиш мумкин. Айниқса, талабаларнинг вилоят ва республика миқёсидаги фан олимпиадаларида, турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этаётгани, уларда юқори ўринларни эгаллаётганликлари таълим маскани салоҳиятини оширмоқда.

— Ижтимоий ҳимоя йилида коллеж атрофидаги маҳаллалардаги 50 дан кўпроқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилани жамоамиз оталиққа оладиган бўлди, — дейди коллеж директори Гулнора Шодиева. — Фақат байрамлардагина эмас, оддий кунларда ҳам улар ҳолидан хабар олинади. Моддий ёрдам кўрсатиш билан чегараланмай, зарур ҳолларда талабаларимиз уларнинг уй юмушларини бажаришга ҳам кўмак беришади.

Айни пайтда коллежда 1020 нафар талаба таҳсил олаяпти. Уларнинг бир қисми тўлов-контранкт шартномаси асосида ўқийди. Ота-оналар ва бир қанча ҳомийлар ҳиммати эса жамоа моддий имкониятини янада яхшилашга хизмат қилаяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

*Давлатимиз сиёсатининг асосий бешта тамойилдан бири, бу фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган. Шу боис "Ислоҳот инсон учун" деган қанотбахш шиор истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаётимизга татбиқ этиб келинмоқда. Фуқаропарварлик тамойилларига асосланган бундай ёндошув ҳар бир соҳада ўз самарасини бермоқда. Жумладан, таълим тизимини такомиллаштириш борасида ҳам ижтимоий муҳофазанинг аҳамияти беқиёсдир. Олий таълим иқтисодиёти, инвестицияси, инновация ва маркетинг масалалари борасида қатор илмий монографиялар ва ўқув қўлланмалар муаллифи, иқтисод фанлари доктори **Муҳаммадали САИДОВ** билан суҳбатимиз айнан шу ижтимоий омил тўғрисида бўлди.*

## Таълим кредити:

# ИНСОН ОМИЛИГА САРМОЯ

— Вазирлар Маҳкамасининг "Таълим муассасаларида тўловконтракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори қабул қилингач, бу борада қатор ишлар амалга оширилди, — дейди суҳбатдошимиз. — Хусусан, ўқишга иштиёқманд ёшларга кўмак бериш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, айни чоғда таълим тизимини жаҳон андозалари даражасида ислоҳ қилиш ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида бўлаётир.

Таълим кредити керакли ҳужжатлар расмийлаштирилгач, қарз олувчининг ҳисоб рақамидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилинадиган депозит ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади. Бу борадаги Низомда қайд этилганидек, кредит бакалавр йўналишига 10 йил, магистр йўналишларига 5 йил муддатга берилади. Маблағлар кредит шартномасида кўрсатилган шартларга биноан йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда тўлов 1 октябргача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги йилнинг 15 мартигача тўланади.

Ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йилликнинг биринчи ойи (сентябрь ва март) 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

Таълим кредити беришга доир қарор талаба учун катта имтиёз. Айниқса, бу ҳужжатнинг ўқишга иштиёқи баланд, аммо моддий томондан имконияти пастроқ оила фарзандларига нафи катта. Қолаверса, кредит қоидага кўра, қарз олувчи яшайдиган ҳудуддаги тижорат банкидан берилиши, чин етим, I-II гуруҳ ногиронларига фоизсиз тўланиши ҳам ҳар жиҳатдан қулайдир. Демак, кредит берилиши талабанинг ўқишга масъулият билан ёндошишига катта омил бўлади. Бу ўринда банкларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Яъни, мижоз ва банк ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкам бўлмоғи керак. Бунда буюртмалар портфели усулидан фойдаланиш кўпроқ наф беради. Масалан, талаба ўқиш истагида, аммо шартномада кўрсатилган маблағни тўлашга имконияти етарли эмас. Шу пайтда корхона институтга буюртма беради. Ўз ўрнида банк билан ҳам битим имзоланиб, талабага имконият эшиги очилади. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, талаба ҳам ўқийди, ҳам ишга жойлашади, ҳам банкнинг ишончини оқлашга мустақил ҳаракат қилади.

**— Таълим кредити бериш борасида ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Шу маънода, мавжуд халқаро амалиётдан фойдаланиб, олий таълим муассасаларини молиялашкредитлаш самарадорлигига эришиш мумкинми?**

— Таълим кредити бериш МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда жорий этилганини эътироф этиш лозим. Биздан кейин Россия (М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети мисолида) мазкур тизимни амалга ошира бошлади. Айни пайтда, жаҳоннинг 60 дан ортиқ давлатларида таълим кредити жорий этилган. Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳонда мавжуд имкониятнинг қарийб 50 фоизи талабаларнинг таълим олиши учун билвосита харажатлар: турар жой, овқатланиш ва бошқаларни қоплашга кетмоқда. Хусусан, Буюк Британияда харажатларни қопловчи ссудадан кундузги бўлимда таълим олувчи талабаларнинг яшаш харажатларини қоплашда фойдаланилмоқда. Бундай кредит мамлакатда муқим яшовчи фуқароларга берилади. Кредит олиш ва уни тўлаш таълим кредити бўйича

махсус тузилган комиссия назоратида туради. Агар талаба кредитни олиш истагини билдирса, олий ўқув юрти маъмурияти комиссияга талаба ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда машғулотларга мунтазам қатнашаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини юборади. Кредитни қайтариш эса олий ўқув юртини тугатгандан сўнг тўққиз ой ўтгач, ой сари бирдек миқдорда, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, аммо фоизларсиз қайтарилади.

Мамлакатимизда кузатилаётган иқтисодиётнинг барқарорлашуви тижорат банкларига кредитлаш операцияларини ўтказиш имконини беради. Молиялаштиришнинг кўпгина йўналишларига эга бўлган тижорат банклари самараси етарлича даражада тайин, шунингдек, маблағни қайтариш ишончлилиги юқори бўлган лойиҳаларни кредитлашни маъқул топади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, тижорат банки, арзигулик кафолатга эга бўлмай туриб бундай хизмат кўрсатишга қўл урмайди. Қарорга мувофиқ, тижорат банкларини таваккалчиликдан ҳимоялаш механизми ишлаб чиқарилган. Зеро, таълим кредити бериш банкларнинг ҳам, талабанинг ҳам, олий таълим муассасасининг ҳам тўлиқ манфаати асосида қабул қилинган. Мазкур ҳолда, халқаро тажрибага кўра, энг қулайи, бу учинчи шахс кафолатидир. Мисол учун айтсак, Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалида таҳсил олаётган талабани 2500 АҚШ доллари миқдоридаги шартнома пулини тўлашга имконияти етарли бўлмаслиги мумкин. Мана шундай вазиятда таълим кредити олишда учинчи шахс кафиллиги асқотади. Бўлажак талабаларга имконият яратиш, ҳамда кафолатчи олдидаги ролини ошириш мақсадида татбиқ этилган бу усулни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунда буюртмачи ўз ҳисобидан эмас, балки талабаларга кредитни тижорат банкидан расмийлаштиришга кўмаклашади.

**— Кредит олувчиларнинг имконият даражаси ҳар хил бўлади. Биров берилган қарзни вақтида тўласа, бошқасининг қўли калталик қилиши мумкин. Шуни инобатга олиб, қандай таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташлаган бўлардингиз?**

— Таълимга кредит бериш жараёнида қийинчиликлар ҳам рўй бермоқда. Яъни, талабанинг ўқишни тугатолмаслиги мумкинлиги боис, маблағ ажратиш қалтислиги; олий ўқув юртини тугатгандан сўнг иш ҳақининг қониктирмаслиги; тўлов муддатининг ноқулайлиги ва ҳоказо.

Олий ўқув юртини тугатгандан сўнг муайян вақт ўтгач, заёмчи белгиланган тартиб бўйича қарзнинг асосий миқдорини тўлаб бориш мажбуриятини олади. Бу тартиб ёш мутахассис иш ҳақи даражасини кўзда тутиши керак, яъни умумий тўловлар иш ҳақи умумий миқдорининг муайян улушига тўғри келиши лозим. Тўланадиган миқдорнинг иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаслиги иш бошлаган ёш мутахассиснинг даромадини "еб" қўяди. Кейинроқ эса, уларнинг молиявий имконияти ошганда бу тўловлар улуши даромадга нисбатан кескин пасаяди. Бу ўринда битирувчи билан учинчи шахс кафолатини берган ташкилот ўртасида банк 10 йил муддатга воситачи ролини ўйнаса, талаба масъулияти банк орқали назоратга олинади. Бундай кредитлар барчага бирдек қулайлиги инобатга олинган.

Бундан ташқари, ҳар бир ўқув йилига алоҳида кредит ҳисобини белгилаш таваккалчиликни камайтириши мумкин. Бунда кредит талабанинг олдинги семестр натижаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бу эса талабанинг юқори натижаларга эришишига ва интилишига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат яна банк учун талабанинг малакали мутахассис бўлиб етишишига кафолат бўлиб хизмат қилади.

**— Ижтимоий ҳимоя йилида таълим кредити беришга оид ҳукумат қарорининг изчил бажарилиши катта аҳамиятга эга. Шундай эмасми?**

— Мамлакатимизда давлат бюджетидан ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш учун ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилда ижтимоий соҳани ривожлантириш учун давлат бюджетининг 54,1 фоизи ажратилди. Албатта, бу маблағлар узлуксиз таълим тизими, илм-фан, маданият, спорт, тиббиёт каби соҳаларни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилиб, инсон манфаатларини ижтимоий кафолатлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларини бажариш, келажак авлоднинг камол топиши учун сармоя ажратиш ижтимоий ҳимоя кафолати бўлиб хизмат қилади. Таълим кредитини расмийлаштиришнинг қанчалик содда, осон йўли жорий этилса, бу фуқароларнинг олий таълим олиши имконини сезиларли даражада оширишга шароит туғдиради.

**— Айни пайтда қайси йўналишларда илмий изланишлар олиб бораяпсиз?**

— Давлат ва жамият томонидан белгилаб берилган устувор қоларерса долзарб вазифаларни инобатга олиб, биз бир гуруҳ тадқиқотчилар, "Ижтимоий ҳимоя тизимининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш (таълим тизими мисолида)". Шунингдек, "Давлат бюджети ижросини таъминлашда ғазначилик тизимининг жорий этилиши". Олий таълим муассасаларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, Таълим тизимида халқаро интеграция самарадорлигига эришиш борасида ҳам илмий изланишлар олиб бориш арафасидамиз.

**"Халқ сўзи" мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

**Беларусь Президенти Александр Лукашенко Россиядан 5 миллиард доллар компенсация талаб қилмоқчи.** Унинг сўзларига кўра, Россия газ нархини оширгани туфайли расмий Минск шунча миқдорда зарар кўрган. Бундан ташқари, Беларусь етакчиси бундан кейин Ғарб давлатлари билан совуқ муносабатни илиқлаштиришга ҳаракат қилишини билдирди.

**Украина Олий Радаси мамлакатдаги мавжуд газ транспорти тизимини сотиш, ижарага бериш ва хусусийлаштиришни тақиқлади.** Мазкур тизим орқали Россия Европага катта миқдорда газ экспорт қилмоқда. Бундан олдинроқ Россия Президенти Владимир Путин икки мамлакат ўртасида газ қувурларидан фойдаланишда консорциум тузиш эҳтимоли борлигини маълум қилганди.

**Бағдодда эронлик юқори мартабали дипломат гаровга олинган. Бу ҳақда Эрон Ташқи ишлар вазирлиги расман маълум қилди.** Берилган баёнотга кўра, элчихонанинг иккинчи котиби Жалол Шарафи якшанба куни ўз машинасида кетаётганда Ироқ миллий армияси кийимидаги қуролли шахслар томонидан ўғирлаб кетилган. Бироқ Америка қўмондонлиги вакили гаровга олишда коалиция ҳарбийлари ёки Ироқ армияси иштирок этмаганини маълум қилди.

**Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт икки ҳафтадан сўнг Фаластин Мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ва АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс билан учрашишини маълум қилди**. АҚШ Давлат котиби ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу учрашувда икки томонлама тинчлик музокараларни тиклаш масаласи муҳокама қилинади. Эхуд Ольмерт фақат учрашув қаерда ўтказилишини аниқлаштирмади.

**Индонезияда кучли ёмғир давом этмоқда.** Бу эса Жакартадаги сув тошқини оқибатларини бартараф этишга тўсқинлик қилмоқда. Мазкур табиий офат мамлакатнинг сўнгги 15 йиллик тарихида умуман қузатилмаган. Маҳаллий метеорологларнинг башорат қилишича, жала яна бир неча кун давом этади.

**АҚШ Ироқ ва Афғонистонда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар учун ҳар ойда 10 миллиард доллар сарфламоқда.** Бу ҳақда Пентагон молиявий бошқармаси раҳбари Тин Жонас маълум қилди. Ўтган ҳафтада Жорж Буш маъмурияти мазкур икки давлатда 2007-2008 йилларда ҳарбий амалиётларни давом эттириш учун 235,1 миллиард доллар ажратилишини сўраб, конгрессга мурожаат қилганди.

**Парижда 58 та давлат вакиллари йиғилишиб, болалардан урушда аскар сифатида фойдаланилишига қарши курашиш тўғрисида келишиб олишди.** Қуролли зиддият юз берганда болалар урушга жалб этилган ҳолатларда мазкур давлатлар вакиллари бунга қарши жиддий чоралар кўришда ҳамкорликда иш олиб борадилар. Франция ташқи ишлар вазири Филипп Дуст-Блазининг ҳисоб-китобларига кўра, Африка, Осиё ва Лотин Америкасида ўртача 250 минг бола қўлига қурол олиб, қон тўкмоқда.

Саудия Арабистони.

*Бугунги Макка.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**



**Польша ҳукумати Европа Иттифоқига мурожаат қилиб, агар расмий Москва мамлакатдан экспорт қилинаётган маҳсулотларга қўйилган солиқларни камайтирмаса, Россияга нисбатан чора кўрилишини сўрамоқда**. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Ярослав Качиньский маълум қилди. У Кремль Польшага нисбатан савдо чекловларини кенгайтиришда давом этса, Варшава ЕИ ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланишига тўсқинлик қилиб, вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигини таъкидлади. Россияга йилига ўртача 4 миллиард долларлик Польша маҳсулотлари экспорт қилинади.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

Бокудаги «Nurlan» нашриётида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон» асари ҳақидаги китоб озарбойжон тилида нашр этилди.

## «Nurlan» туҳфаси

Озарбойжон Миллий фанлар академиясининг Фузулий номидаги қўлёзмалар институти илмий ходими, филология фанлари доктори Тарлан Гулиев қаламига мансуб ушбу асар таниқли ўзбек адабиётшунос олими Иззат Султоннинг шу ҳақдаги китоби асосида яратилган.

Унда озарбойжон олимининг Алишер Навоий бобомиз ижодига мансуб аруз вазнида ёзилган ғазалларнинг ўзига хос ва бетакрорлиги хусусидаги шарҳи китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Китобда буюк шоир Алишер Навоийнинг туркий тил ва адабиёт тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланади.

Озарбойжон Миллий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари номзоди Тофик Хачиев ушбу китобга ёзган тақризида туркий шоирлар ўз ижодларида назмий аруз вазнини кенг қўллаганлари, ғазал мулкининг султони туркийда аруз вазнини назарий жиҳатдан асослаб бергани, буюк мутафаккир туркий тил имкониятлари нақадар улкан эканлигини амалий жиҳатдан исботлагани билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини китобхонлар ила ўртоқлашган.

**«Жаҳон» АА.**



«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ

**АХБОРОТ ХИЗМАТИ РАҲБАРИ — КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ МАТБУОТ КОТИБИ**

ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:**

- *матбуот соҳасидаги камида беш йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлиш;*
- *телерадиожурналистика асосларидан хабардор бўлиш;*
- *компьютерда ва интернетда ишлашни билиш;*
- *ўзбек ва рус тилларида ёза олиши.*

**Шунингдек,**

- *илмий-техник мақолалар ёза олиш салоҳияти;*
- *иқтисодиётнинг реал секторлари иши билан таниш бўлиш;*
- *хорижий тиллардан бирортасини билиши танловда имтиёз олиш ҳуқуқини беради.*

Ҳужжатлар эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шевченко к., 7-уй, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, танлов комиссияси. Мурожаат учун телефон: 138-84-06.

*Рубероид, линолеум ва ковраланларни ёпамиз. Тўлов шакли — нақд ва пул ўтказиш йўли билан. Телефон: 340-99-37.*

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
ADI International
Panasonic
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы видеонаблюдения
PELCO
J&S
DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER
НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

*Молия муассасаларида*

# ТИЗИМНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

*— Иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, минибанклар тармоғини кўпайтириш, акциядорлар ҳамда кредиторлар манфаатларини ҳимоялаш бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан, — дейди акциядорлик тижорат «Пахтабанк»ининг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Бадриддин Насриев. — Ушбу йўналишларда ўтган йил давомида бошқарма ва унинг жойлардаги барча филиаллари томонидан анчагина ишлар қилинди. Натижада стратегик ривожланиш бизнес-режаси кўрсаткичлари тўлиқ бажарилиши таъминланиб, банкнинг хизматлар бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланди. Бу банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасидаги харакатларнинг самараси, албатта.*

Келинг, далилларга мурожаат этайлик. Бир йил мобайнида банкнинг умумий активлари 47,4 фоизга кўпайганлиги, айниқса, қувончли ҳол. Гап шундаки, бундай активлар, 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 26,8 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг дастлабки кунида 39,5 миллиард сўмга етди. Шу даврда, ўз навбатида банкнинг вилоят бошқармаси ўзининг филиаллари билан биргаликда халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги 12400 дан ортиқ корхона ва ташкилотларга малакали банк хизматлари кўрсатди. 3200 дан ортиқ хўжалик субъектлари эса банк ва филиалларимизда ўзларининг янги ҳисоб рақамларини очдилар.

Бугунги кунда жойларда бошқарманинг 19 та туман филиали ва 42 та мини банки мавжуд. Уларда банк хизмат даражасини янада кенгайтириш, айниқса, вилоятда фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари жамғармалар билан яқин алоқалар ўрнатиш, уларнинг маблағларини жалб этиш бўйича ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилган.

Иқтисодиётнинг устувор йўналишларини молиялаштиришда бундай ҳамкорликлар ҳар жиҳатдан фойдали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Масалан, мулкчиликнинг барча шаклларидаги қишлоқ хўжалиқ, саноат, таъминот-тарқатиш, тайёрлов, савдо, қурилиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги корхоналарни кредитлаш сиёсати банк филиаллари орқали амалга оширилаяпти. 2007 йилнинг 1 январига келиб, банкнинг умумий кредит қўйилмалари 25,9 миллиард сўмни ташкил этгани, яъни ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 9,2 миллиард сўмга кўпайгани фикримизнинг тасдиғидир.

Ана шу кредит қўйилмаларининг 30,9 фоизи қишлоқ хўжалиги, 10,8 фоизи моддий-техника таъминоти, 34,7 фоизи саноат корхоналари, 23,6 фоизи эса савдо, қурилиш, транспорт ва бошқа корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Айни чоғда қишлоқ хўжалик ва «Агромашсервис» корхоналарига ҳар хил русумдаги тракторлар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 3,5 миллиард сўм миқдорида кредит берилди. Туманлардаги муқобил машина-трактор парклари лизинг асосида комбайнлар сотиб олишига ҳам банк ўз маблағлари ҳисобидан кўмаклашди.




Ғаллазорларда занг касаллигининг олдини олиш ва бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида ўсимликларни ҳимоя қилиш марказларига ҳам 1 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Унинг 700 миллион сўми имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди. Пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун ширкат ва фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитлар эса 23 миллиард сўмдан ошди.




Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, ўтган йили вилоятда 47 та зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари ўрнида 3913 та фермер хўжаликлари ташкил этилган эди. Ана шу фермерларнинг 2500 дан ортиғи бугун «Пахтабанк» тизими хизматидан фойдаланаётгани қувонарлидир.

Маълумки, ўтган йили вилоятда пахтачилик ва ғалла-чилик тармоқларида юқори натижаларга эришилди. Айниқса, фермер хўжаликларида ҳосилдорлик кескин даражада ошиб, маҳсулот сифати яхшиланди. Уларнинг аксариятида биринчи теримдаёқ 35-40 центнердан ҳосил олингани, давлат буюртмасидан кўпроқ ҳосил етиштирилгани шундан далолат беради. Албатта, моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлди.

Бу ютуқларда, табиийки, банк бошқармаси, унинг жойлардаги филиаллари ва мини банкларининг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Негаки, улар томонидан йил мобайнида имтиёзли ва банк маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиб борилди, пахта йиғим-терими мавсумида эса теримчилар учун иш ҳақи ҳар беш кунда даланинг ўзида тарқатилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан банк ўртасидаги ҳамкорлик ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бораяпти. Хусусан, ўтган йил мобайнида уларга 4,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравар кўпдир. Ушбу кредитлар кичик бизнес ва хусусий тармоқнинг жадал ривожланишига хизмат қилди, муҳими, вилоят бўйича 2970 та янги иш ўрни яратилди.




Банк универсаллигини таъминлашнинг афзалликлари кўп. Аммо бунга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу кўп жиҳатдан юқори малакали ва тажрибали ходимларнинг ўз вазифаларига қай даражада ёндашувлари ҳамда изланувчанликларига боғлиқ. Шу боис банкнинг вилоят бошқармаси доимий равишда ўзининг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини кучайтириш, аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган ишончини қозониш йўлида изчил фаолият олиб бормоқда. Бу эса мижозлар сонининг ошишига, нақд пул тушумининг кўпайишига хизмат қилаяпти.

Аҳолининг банкдаги омонатлари миқдори ҳам йил сайин ошиб бораяпти. Бу жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, омонатларнинг янги турларини жорий қилиш бўйича кенг кўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётганлигининг натижасидир. Чунончи, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиғи 3,5 миллиард сўмни ташкил этган эди. Бугунга келиб эса, бу кўрсаткич 7,7 миллиард сўмга етди ёки 2,2 баравар ошди. Демак, ўз-ўзидан англашиладики, вилоятда аҳолининг банкка бўлган ишончи ошиб бораяпти.

Шунингдек, нақд пулларнинг банкдан ташқарида айланмасини қисқартириш мақсадида жамоамиз томонидан мижозлар учун пластик карточкалардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Савдо, ёнилғи қуйиш шохобчалари, дорихоналар ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи кўплаб тизимларда терминаллар ўрнатилган. Бундай терминаллар сони жорий йилда 177 тага етди. Аҳоли қўлидаги пластик карточкалар сони эса 50 мингдан зиёд. Ўтган йил давомида пластик карточкаларга 5,4 миллиард сўм маблағ жалб қилиниб, терминаллар орқали 4,4 миллиард сўм савдо айланмалари амалга оширилди. Айни чоғда пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғи 1 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

2006 йил сарҳисоби ана шундай. Бу мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси, унинг филиаллари, минибанклари ҳам фаол иштирок этаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Банк жамоаси бундан буён ҳам шу мақсадда фаол ҳаракат қилаверади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янгроқ тароналар ижодкори

*Бастакор Дилором Омонуллаева кўплаб мухлисларга эга санъаткор. У яратаётган янги-янги қўйлар, айниқса, вокал лирикаси шинавандаларга доимо хушнудлик бахш этиб келади. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали гимни ёдингиздами? Худди ана шу бетакрор, жозибали мусиқа ҳам Дилором Омонуллаева томонидан басталанган.*

Мусиқашунослар, шунингдек, унга ҳақли равишда "Эстрада қўшиқчилиги устаси" деб баҳо берадилар. Зеро, йиллар ўтгани сайин бастакорнинг нафақат яратажак қўйлари, шу билан бирга унинг ижрочилик қобилияти ҳам кўзга ташланиб бормоқда.

Энг муҳими, у Ўзбекистон давлат консерваториясининг ўқитувчиси сифатида ҳам ҳозирги замон ёшларининг қалбини ҳис қила олади, уларнинг кечинмаларини илғай олади. Шунинг учун бўлса керак, ўзининг ижоди орқали ёшлар онги, маънавиятини юксалтиришга, ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга интилади.

Дилором Омонуллаева кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Марям Сатторова, Муяссар Раззоқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов каби машҳур хонандалар билан ишлар экан, улар учун янги-янги қўшиқлар яратди ҳамда бастакорлик маҳоратини ошира борди. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг эстрада хонандалик кафедраси мудири лавозимида фаолият юритаётган бастакорнинг шогирдлари ҳам бир талай. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Севара Назархон, Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро танлов совриндори Оксана Начитайло, Грецияда бўлиб ўтган жаз ижрочилари танловининг халқаро дипломанти Дилноза Исмияминова ана шулар жумласидандир.

Эътироф этиш лозимки, бастакорнинг ижодида Ватан мавзуси алоҳида ўрин тутади. Бу борада муваффақиятли чиққан қўшиқларидан бири бу шоир Муҳиддин Омон шеърига ёзилган "Ўзбекистон"дир. Қўшиқда гуллаб-яшнаётган ўлка, ҳалол меҳнати билан эл-юртга танилган кишилар тараннум этилган. Шуниси диққатга сазоворки, бастакор юксак ватанпарварлик мавзусини лирика воситалари асосида очиб беради. Шу маънода, Жуманиёз Жабборов шеърига ёзилган "Зарралари зар Ватан" қўшиғи ҳам она-Ватанга, қадрдон диёрга чуқур меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилган.

Модомики биз қўшиқнинг алоҳида асар эканлиги ҳақида фикр юритар эканмиз, бир жиҳатни назардан қочирмаслигимиз даркор. Қўшиқ устида ишлаш жараёнида аниқ талаффуз ва ҳар бир сўзга алоҳида эътибор қилиш талаб этилади. Қўшиқни эркин, ўзини зўриқтирмасдан, самимий ижро этиш керак. Шу маънода, Дилором Омонуллаеванинг мусиқалари асосида қуйланган қўшиқлар, одатда, паст оҳангда бошланади ва аста-секинлик билан авж пардаларга кўтарила боради.

Ҳа, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилором Омонуллаевани баракали ижод қилиб келаётган бастакор десак янглишмаймиз. Унинг қиркдан ортиқ қўшиғи Ватан ҳақидадир. Болаларга атаб 100 га яқин қўшиқ ёзган. «Ҳали энг яхши қўшиқларим олдинда», дейди бастакор. Биз унинг ниятлари рўёбга чиқишини астойдил истаб қоламиз.

**Мавлуда ЎРИНБОЕВА.**

## ИИВ матбуот маркази хабар қилади

### Босқинчи ушланди

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи У. Каримовнинг хонадонида вақтинча яшаётган хоразмлик А. Сайёранинг телефон сими билан бўғиб ўлдирилган ҳолдаги жасади топилди. Маълум бўлишича, қотил Сайёрани босқинчилик мақсадида ўлдирган экан. 20 ёшли Э. Фахриддин қўлга олинганида, ёнидан марҳуманинг «Нокия» русумли уяли телефони ва тилла тақинчоғи топилди.

### Миси чиққан мисчилар

Андижон шаҳридаги фирмалардан бирининг раҳбари У. Зулунов ИИБга мурожаат қилиб, номаълум шахслар корхонасига тегишли 537 кг эмал-мис симларини ўғирлаб кетишганини билдирди.

Қидирув-суриштирув ишлари натижасида уч нафар шахс қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Муқаддам судланган Қ. Лазиз, А. Бахтиёр ва Б. Низомиддинлар эндигина 22 ёшда бўлишларига қарамай, яна жиноятга қўл уришган экан.

### Арақфуруш касодга учради

Боёвут туманида ўтказилган тадбир давомида ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Иномнинг қилмишлари фош этилди. У қонунга хилоф равишда қалбаки ароқ тайёрлаш билан шуғулланар экан. Хонадонидан 326 дона қўлбола ароқ далилий ашё сифатида олинди.

### Ёвузлик пайи қирқилди

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида кетма-кет босқинчилик ҳолатлари қайд этилиб, фуқаролар жабрлана бошлади. Жумладан, 18-даҳада яшовчи З. Аҳмадиева уйи эшигини очиб, ичкарига кираётганида уч нафар нотаниш шахс уриб-тепиб унга тан жароҳати етказди. Сўнгра жабланувчининг 150 минг сўмини олиб кетишди. К. Гагаринанинг хонадонига алдаш йўли билан кирган шахслар ҳам уй эгаси ва қизининг оёқ-қўлларини боғлаб қўйиб, уй-рўзғор буюмлари ҳамда 46 минг сўм пулни ўмариб кетдилар.

Тезкор ходимлар кўп ўтмай босқинчиларни ушлашди. Улар тошкентлик А. Отабек, Д. Равшан ҳамда навоийлик А. Камол бўлиб чиқдилар.

### Қозон портлади

Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган «Сифатли тез махсус ишлар бошқармаси» масъулияти чекланган жамиятининг маъмурий биносига ўрнатилган иссиқлик қозонида портлаш юз берди. Натижада девор қулаб тушиб, бетон плита ёрилиб кетди. Айрим ишчилар турли даражадаги қуйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилдилар.

Дастлабки текширувлар натижасида кўнгилсиз воқеа техника хавфсизлиги қоидалари қўпол равишда бузилгани натижасида келиб чиққани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### Ўзибилармонлик оқибати

Термизлик Х. Бойматов ишонч қоғози билан ҳайдаб юрган «Тико» русумли автомашинага қўлбола газ баллони мосламасини ўрнатиб, газ қуйиш шохобчасига кирди. Бироқ шохобчадан чиқиши билан портлаш рўй бериб, у воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди.

### Текини тешиб чиқди

Зарафшон шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган Р. Сарвар, М. Қувондиқ ва уларнинг уч нафар шериги биргаликда қаҳвахонага кириб овқатланишди. Сўнгра ҳисобкитоб учун 34 минг сўмни бериб чиқиб кетишаётганда қўлга олиндилар. Сабаби — улар берган сўмлар қалбаки экан. Бу йигитларнинг яшаш жойлари кўздан кечирилганда рангли нусха кўчириш аппарати ҳамда 91 минг 200 сўмлик қалбаки купюралар топилди.

### Бедарак кетмаган экан

Қорақалпоғистонлик М. Исаков уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолгани тўғрисида яқинларидан хабар тушди. Шу асосда қидирув ишлари олиб борилаётган эди. Куни кеча бу жумбоқ ўз ечимини топди. Маълум бўлишича, М. Исаковнинг ўғли Ғайрат унинг бошига болға билан уриб ўлдириб, ҳовлига кўмиб қўйган экан.

**Исмоил МИНОВАРОВ, майор.**

*Ватан равнақи, эл фаровонлиги йўлидаги ҳар бир эзгу иш, айтилган ҳар бир калом миллий ғоя тарғиботига хизмат қилиши билан қимматли. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Наманганда Маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида устуворлик берилмоқда.*

## Халқ қалбига йўл

Фуқароларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш, истиқлол шарофати билан рўй берган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини юрт-дошларимиз қалбига сингдириш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш тадбирлар ўзагини ташкил этади. Жойларда уюштириладиган учрашув, суҳбатларга таниқли сўз усталари, эл ардоғидаги ижодкор, санъаткор, воизлар жалб этилади.

Маънавият тарғибот марказининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига амалий ёрдам берилиши мўлжалланган. Жумладан, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 февраль куни хайрия ҳашари ташкил этилади.

Бундан ташқари, жойларда ўтказиладиган Навоийхонлик кунлари, Бобур ижодини оммалаштириш тадбирлари турли кўргазма ва адабиётлар намойиши, назм ва наво кечаларига уйғунлашади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Спорт

### «Пахтакор» етти поғона юқорида

Футбол тарихи ва статистикаси федерацияси жаҳондаги энг яхши футбол клубларининг навбатдаги рейтингини чоп этди.

Аҳамиятлиси, рейтингда мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор», секинлик билан бўлса-да, юқорилаб бормоқда. Яқинда МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари кубоги ғолиби бўлган пойтахтлик футболчилар 96 очко билан 157 ўриндан 150 ўринга кўтарилган. Муборакнинг «Машъал» жамоаси 293 ўриндан жой олган. Дунёнинг кучли 350 клуби рўйхатида мамлакатимизнинг бошқа жамоаси қайд этилмаган.

МДҲ бўйича эса, «Жоржия» (Грузия), «Металлист» (Украина), «Сатурн» (Россия), «Мика» (Арманистон) клублари 311-338 ўринларда боришмоқда.

### Финалчилар маълум

Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги баҳсларида финалчилар номи маълум бўлди.

Ҳал қилувчи финал ўйинида АГМК(Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати) ва «Самарқанд-Динамо» футболчилари майдонга тушадилар.

### Рингда ёш боксчилар

Фарғона ва Жиззах вилоятлари боксчилари кейинги вақтларда пешқадамликни ҳеч кимга беришмаяпти.

Олмалиқ шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида иккала вилоятдан тўрт нафардан боксчи ғолиб бўлди.

Шунингдек, Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридан бир нафардан ёш боксчилар ўз вазн тоифаларида шоҳсупадан жой олдилар.

**З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

- **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сурайё Аҳмедова «эскирмайдиган» мавзу ҳақида**
- **Анвар Бобоев информацион хуруж хусусида**
- **«Тошкент ҳақиқати»нинг биринчи муҳаррири ким бўлган?**
- **«Куйгай» ашуласининг яратилиш тарихи**
- **Саудия Арабистонидаги баъзи газеталар Лондонда тайёрланади.**

*Мазкур мавзулар ҳақида муфассал маълумотни «Ўзбекистон матбуоти» журналининг сўнгги сонида ўқишингиз мумкин.*

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

*Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.*

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт тажриба заводи директори Х. А. Эргашевга онаси

**Марҳамат ая ЭРГАШЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси жамоаси Ходимлар ва махсус ишлар бўйича инспектор Дилбар Зокировага падари бузруквори

**НИҒМОНХЎЖА отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедрасининг собиқ катта ўқитувчиси

**Ғайрат Бўриевич ИСАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Ⓣ -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.30 23456